


# ОЗОДСАН, УЛУҒСАН, ИЙМОНИНГ ПОК, ВАТАНИМ МАНИМ, ИСТИҚБОЛИНГ ПОРЛОҚ ЭЛ БЎЛ, МАРД БЎЛ, ЎЗБЕГИМ!

## КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ 30 август, жума, 1996 йил  
Сотувада эркин нархда. № 176-177 (1428)

### ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС VI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Хурматли халқ депутатлари!  
Қадри дустлар!  
Олий Мажлисининг VI сессияси улуг байрамимиз - Ўзбекистон мустақиллиги кунини арафасида ўтмоқда.  
Бундан беш йил муқаддам мана шу бинода, мана шу юксак минбар орқали Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитетини эълон қилган эдик. Ўз келажигимизни ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этишдан иборат, деб қатъий азму қарор этганимизни маълум қилган эдик.  
Бу таърих кунини Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихидан порлоқ саҳифа бўлиб жой олди.  
Мустақиллик бизни мустабид ва маъқуланган тўғуз кишиларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошқини баланд кўтариб юриш, ўз маданиятини ва анъаналарини, қадр-қимматини, дини ва эътиқодини, она тили ва миллиянитини қайта тиклаш имконини берди.  
Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳам-жамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилишига имконият яратди.  
Мустақиллик улкан табиий, минерал-хомашэ, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурсларимиздан ҳамда юр-

тимиз салоҳиятидан энг аввало ўз халқимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишимизга шароит яратди.  
Мустақиллик иқтисодий, ижтимоий соҳаларни, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, ислоҳ қилишга қатъий тўғри берди.  
Фақатгина истиқлолнинг ҳаёбахш заминидан янги демократик қадриятлар илғиз отишга, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг эрки асосий бойлиги бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятига мос келадиган янги замонавий сиёсий, ҳўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишга имкон тугилиди.  
Биз сўз билан айтганида, истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини оғди. Ўз келажигимизни ўз кўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизни, умумлароф этилган демократик меъзо-ларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачиқдек асраб-авайлашимиз керак.  
Энг аввало, сиз - халқ вакилларини ана шу таърих байрам билан табрик-лашга ижозат берайизлар!  
Муҳтарам ватандошлар!  
Утан беш йил тарих учун бир лаҳза

бўлса-да, биз учун бутун бир давр ҳисобланади. Зеро, мана шу беш йил ичида биз бошқа мамлакатлар ўн-юз йиллар мобайнида ўтаган йўлни босиб ўтдик.  
Улкан синовлар, қийинчиликларни бошдан кечирдик. Ҳаётимизнинг энг машаққатли йиллари ортда қолди. Ўзбекистон собиқ Иттифок мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг миқёсда ислохотлар йўлига, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига киридик.  
Биз ўзимиз ва бутун кўнмишимизни тўғри, ҳодисона бахолой олдик. Кийин-киндиларга бардош бериб, ўтти даврнинг мураккаб муаммоларига оқилона ечимлар топдик.  
Биз ўзвон империя ва мустабид тузум ҳалокатидан кейин мамлакатимизда юзага келган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий вазиятни чуқур ангаган, аниқ ҳаракат дастури-ни ишлаб чиққан ҳолда жамиятни янгилашга киришдик.  
Биз барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сибсатга асосланган қудратли ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролар жамияти қуришни олдимиз-та мақсад қилиб қўйган эдик. Бозор муносабатларига ўтишни ўзига хос ва ўзига мос моделини ишлаб чиққан,

мўлжалларни аниқлаб, устувор йўналишларни танлаб, босқичларни белгилаб олган эдик.  
Хўш, ўша мақсалларимиз амалга ошди-ми? Танлаган йўлимиздан олға кетмоқдамизми? Биз бутун мана шу саволларга жавоб беришимиз лозим.  
Беш йиллик яқунларини танқидий кўз билан баҳолаган ҳолда, шунини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиманки, ўтган давр мобайнида ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт дастуриимизни жорий этиш бўйича жуда катта ишлар қилинди.  
Ижозатимиз билан мана шу натижа ва яқунлар ҳақида батафсилроқ фикр юритмоқчиман.  
Ижтимоий-сиёсий соҳада: биринчи ва энг муҳим ютуғимиз шу бўлдики, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, тиричилик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятнинг кўпмиллатлилик асосида шаклланишига шароит яратдик.  
Бутунимиз ва эртанги кўнмишимиз учун катта аҳамият касб этганидан бу қадриятларнинг маъносини англаш халқимизнинг қон-қонига сингир кетгани гоят муҳимдир.  
Халқнинг ҳаётий тажрибаларига, миллий ва маданият анъаналарига мос тушадиган ҳақиқий демократия тамойил-

лари қарор топмоқда. Умумансоний қадриятларнинг устуворлиги тобора мустаҳкамланмоқда, янги демократик меъзолар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эрки Конституция билан қўроғат топмоқда. Миллати, дини, сиёсий эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро тенг ҳуқуқга эгадир. Оламлар Ўзбекистон ўзларининг умумий хонадонини экан-нини тобора теран англамоқдалар.  
Кўплас тилларда газеталар чоп этилмоқда, телекўрсатувлар, радиокўрсатувлар олиб боришмоқда. Умумий сонин юзга яқинлашиб қолган маданият-марийий миллий марказларнинг халқ орасида нуфузи ошиб бормоқда. Фуқароларнинг диний эътиқод эркин-лиги ҳуқуқига амал қилишмоқда - республикада 14 та диний конфессия фа-люлиг қўрсатмоқда.  
Иккинчи ҳўса. Мустақиллик йил-лари ҳўқимиятни тармоқларга ажратиб асосий миллий давлатчилик пойдевори-ни барпо этиш борасида тинимсиз

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислам  
Абдуғаниевич Каримовни  
«Мустақиллик» ордени билан  
мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритиши ва уни мустаҳкамлашдаги, миллий давлатчиликни барпо этишдаги, жамиятни ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишдаги, сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва тотувликни таъминлашдаги буюк хизматлари учун, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги шарафига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси  
Э. ХАЛИЛОВ.  
Тошкент шаҳри,  
1996 йил 29 август.

#### БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

29 август кунин Тошкентда биринчи чақирёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда.  
Мажлислар залида Ўзбекистон ҳўқумати аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар дипломатик корпуси элчилари ва вакиллари, халқаро ташкилотлар намояндалари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди.  
Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.  
Сессия маилат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёев маърузасини тинглаб, янги сайланган Олий Мажлис депутати И. Юсуповнинг ваколатини тўғри, деб топди.  
Депутатлар сессия ишчи органи — котибиятини тўздилар, кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сессияда катта нутқ сўзлади.  
Сессия «Буюк хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида қонун қабул қилди. Қонун лойиҳаси юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси А. Холмуродов ахборот берди. Депутатлар давлат мукофотлари тўғрисидаги Қонунга бир қанча тузатишлар киритдилар.  
Сўнгра Президент Ислам Каримов сўзга чиқиб, бу қонунларнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлади ва Самарқанд ҳамда Шаҳрисабз шаҳарларини «Амр Темур» ордени билан, Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранчи «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонларини ўқиб берди.

(Давоми 4-бетда).

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. А. Каримовнинг  
нутқи юзасидан

1. Олий Мажлис шунин таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланишининг ўтган беш йилда иқтисодий ва сиёсий тизимларни ислоҳ қилишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, барча ижтимоий жараёнларни демократлаштиришга, инсон ҳўқуқларини ҳўқом қилиш ва ҳўрматлашга, зарур ҳўқуқий асосларни яратишга қаратилган дадил ва собиққадим йўл амалга оширилди.  
Амалга оширилётган ички ва ташқи сибсат натижалари Ўзбекистоннинг халқаро эътироф этилишида, янги миллий маъсулотнинг барқарор ўсишида, инфляциянинг тўхтатилишида, иқтисодийнинг барқарор ривожланиши ва халқ фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратилишида намоён бўлмоқда.  
2. Иқтисодий ва сиёсий ислохотларни, сўз тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасида баён этилган ҳаракат дастури амалга оширилётган ислохотларнинг изчиллигини яна бир бор илмий асосда тасдиқлайди ҳамда барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, ошқора ташқи сибсатга асосланган кучли демократик ҳўқуқий давлатни ва фуқаролар жамиятини қуриш вазифаларига жаъоб беради.  
3. Қонунларни тайёрлашнинг истиқболга мўлжалланган режаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасида баён этилган дастурий қоидаларга асосланган зарур деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси  
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 29 август.

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,  
Ватанингиз мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан Сизга ҳамда тез ривожланаётган мамлакатингизга улкан ютуқлар тилаш менга алоҳида мамнуният баҳш этди.  
Бутун мана шу вақт мобайнида «Лонро» компанияси фаолияти ҳам Ўзбекистон билан боғлиқ бўлди ҳамда мамлакатингизнинг мустақил тараққиётига ҳўштан ва бундан буён ҳам қўшамак ҳиссаси билан фахрланди.  
Камоли эҳтиром ила,  
Дитер БОК,  
«Лонро» компанияси бош ижрочи директори.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,  
Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Сиз мана шу қисқа вақт ичида ўзбек халқининг фаровонлиги йўлида эришган ютуқларингизга мамнуният билан баҳо беришимиз мумкин.  
Лекин буларнинг барчаси ишнинг бошланғичи, ҳўлос. Чўнки Сиз мамлакатингиз ресурсларидан яхши ва самарали фойдаланиш учун жуда кўп иш қилишда давом этмоқдасиз. Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон тобора ривожланиш йўлидан бормоқда ҳамда жаҳон савдо тизимида янада муҳимроқ шерикка айланмоқда.  
Сиз билан имкон қадар қисқа муддат ичида Тошкентда

буладиган учрашувимизни сабрсизлик билан кўтмоқдаман.

Камоли эҳтиром ила,  
Оливер ШТАХЕЛЬ,  
«Штахель Хардмайер АГ»  
компаниялар гуруҳи президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари,  
Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан «Делепланк» компанияси номидан Сизни табриклаш, шахсан Сизга энг яхши истакларимни йўллаш, шунингдек, ўзбек халқига тинчлик ва фаровонлик тилаш шарафидан мамнунман.  
Жан Пьер ДЕЛЕПАНК,  
«Делепланк» компанияси бош директори.



Чикагода ўтган демократик партия сьезидида Билл Клинтон Демократик партиядан АҚШ Президентини лавозимга иккинчи муддатга яна номзод сифатида кўрсатади.





# БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ Тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Н. Исмоилов маърузаси юзасидан депутатлар — Қўқон шаҳри ҳокими Х. Мавлонқулов, Беруний тумани марказий касалхонаси бўлим mudiri Б. Оразалиев, Толдимаржон ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бригадери В. Южалкин сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини иккинчи ўқишда тасдиқлаш тўғрисида Қонун қабул қилинди.

Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари кўмитаси котиби Ф. Муҳиддинова нотариат, адвокатур тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда депутатлар — «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий кенгашининг котиби У. Дониёров, Тошкент аграр университети ректори Х. Бўриев, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А. Болтаев, Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев, Олий Мажлис Мулофа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг котиби М. Солиқова, Кува мекелозлик ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси М. Исмоилов, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов иштирок этдилар.

Сессия сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Бу масала юзасидан депутатлар — «Халқ бирлиги» ҳаракати раиси, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети проректори Т. Долимов, «Халқ сўзи» ва «Народное сло-

во» газеталарининг Бош муҳаррири, «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий кенгашининг котиби А. Жўрабоев, Олий Мажлис иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитасининг раиси, «Ватан тараққиёти» партиясининг раиси А. Йўлдошев иштирок этдилар.

Сессия сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди.

Кечки мажлисда Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасининг раиси Э. Воҳидов маърузаси юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Конституция уставини тасдиқлади. Уни муҳокама қилишда депутатлар — Бухоро шаҳри ҳокими К. Камолов, Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Гуломов, Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи Т. Темирбоев қатнашдилар.

Сессия хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Мазкур қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитасининг раиси А. Аҳмадов ахборот берди. Бу масала юзасидан музокараларда Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, «Марказий Осие» корпорацияси (Сирдарё вилояти) бошқарувининг раиси Ф. Фозилов, Қирғули тумани ҳокими В. Белоногов иштирок этдилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг раиси Г. Йўлдошева депутатларга фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Музокараларда депутатлар — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Гуломова, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси Х. Жамолов, Наманган шаҳар тез ёрдам шифохонаси бўлим mudiri М. Аҳмадов сўзга чиқдилар.

Сессия фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида қонун қабул қилди.

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитасининг котиби П. Шаропов маърузаси юзасидан уруғчилик тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу масала юзасидан депутат — Ургут тумани Ҳамза номидаги агробошқарма раиси Э. Отамуродов сўзга чиқди.


Сўнгра энг кекса депутатлардан бири, Қашқадарё вилояти Фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов минбарга кўтарилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида таклиф киритди. Сессия иштирокчилари бу таклифни яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон халқ шoirлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Бекобод металлургия комбинати бош директори А. Фармонов, Учўрғон туманидаги 20-мактаб директори Х. Курбоналиев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тил ва адабиёт институтининг бўлим mudiri Х. Ҳамидов бу таклифни қўллаб-қувватлаш сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон парламенти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг давом эттирмоқда.



# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ



## МУНАВВАРЛИК РАМЗИ

**Иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш ва янада чуқурлаштириш йўлида хоразмликлар ҳам собитқадамлик билан меҳнат қилаяптилар. Бунинг самараси ўлароқ, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўнаиб, истеъмол бозори барқарорлашмоқда, халқ ҳўжалиги тармоқларини изчил ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар еғужуда келмоқда. Давр эса кун сайин янги-янги муаммоларни кўндаланг қилиб кўняптир. Турмуш фаровонлигини ошириш учун эндиликда соғлом ақл-ишроқ, ғайрат ва шахсий ташаббускорлик зарурлигини хоразмликларга тушунтиришнинг ҳўжати йўқ. Чунки бунинг амалий тажрибадан яхши билишади.**

Ҳозирги кунда вилоят ҳўдудидан 15 та қўшма, 1869 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда минглаб кишилар эркин ишловий меҳнат билан банд. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳўсурийлаштиришнинг ижобий самараларини бермоқда. Бу, аввало, одамлар психологиясига юз берган ўзгаришларда, меҳнат ва мулкга нисбатан янгича муносабатларда намўн бўляптир. Бозор иқтисодиёти, ҳўсурий мулкчилик талаблари асосида иш юритилаётган жамоа ҳўжаликларида юқори манфаатдорликка эришилаётгани бежиз эмас. Ҳисоб-китоблари ҳўсаига тўғри келади. Кишлоқ мулкдорларининг қимматли туфайли эл дастурхонига тобора кўп сут, гўшт, сабзавот, поллиз, мева-чева етказиб берилмоқда.

Ички бозорни маҳсулот билан тўлдириб, жойларда кишлоқ инфраструктурасини шакллантириш, янги иш ўринларини барпо этиш ўтиш даврининг асосий вазифаларидан саналади. Бу ҳўсуда гап борганда, кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, кичик бизнес — иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан биридир. Вилоятда 351 та ҳўссалорлик, 11 та ижара, 1491 та ҳўсурий корхона ташкил этилган. Иқтисодий соҳадан қийинчиликларга қарамай, уларнинг аксарияти бир маромда фаолият юритиб, кўндалик истеъмол учун зарур мол ва маҳсулотлар ишлаб чиқарапти. Аҳолининг талаб-эҳтиёжлари бундай кичик корхоналар тизимини кенгайтириши тақозо этапти.

Хоразм — ноёб тарихий обидаларга бой ўлка. Хивани олайлик. Бу ерда ота-боболаримизнинг ақл-заковат, қувваи ҳўфизаси билан бунёд этилган осори-атиқалар мағрур қад кўтариб турибди. Улар ўзининг муъжизакор сехри ва қўдрати билан неча асрлардан бери жажон аҳлини хайратга солиб келмоқда. Қадимий шаҳар келгуси йили 2500 йиллик тўйини нишонлайди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, ҳўзир вилоятда қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Шаҳардаги 30 та тарихий-меморчилик обидалари таъмирланиб, асл ҳўлига қайтарилляптир. Бу ишлар вилоятда қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Шаҳардаги 30 та тарихий-меморчилик обидалари таъмирланиб, асл ҳўлига қайтарилляптир. Бу ишлар вилоятда қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Шаҳардаги 30 та тарихий-меморчилик обидалари таъмирланиб, асл ҳўлига қайтарилляптир.

Шонли сана — мустақилликнинг беш йиллиги муносабати билан вилоят ҳўдудидан улкан қурилиш-ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг ҳўрби қилиш, шаҳар ва туман мисолида қўриш мумкин. Шовотда йирик подшпник заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу туманда барпо этилган иккинчи янги завод — йилига 80 миллион дон шпша идишлар ишлаб чиқаришга муъжалланган. Богот тиббий момиқ фабрикасини Ўзбекистон — Буюк Британия — Россия ҳамкорлигининг ўзига хос рамзи, деса бўлади. Зеро, у Марказий Осиёдаги мавжуд давлатларнинг шпшо масканларини тиб-

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!



**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари республика мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган публицистик ва фото материалларнинг «Истиқлол йўли — истиқбол йўли» Талловини эълон қилган эди. Улуғ байрам арафасида мазкур таллов ғолиблари аниқланди.**

Таллов ҳайати таъкидладики, мазкур конкурс иждоқорларга истиқлол ғояларини халқ оmmasига етказишда, юртдошларимиз қалбидан Ватанга муҳаббат туйғуларини мустақамлашда катта имкон яратди. Унлаб бадий пухта, ғойий теppан мақолалар, фотолар ва репортажлар эълон қилинди.

Ҳайат аъзолари ана шу материаллар билан атрофлича танишиб, қуйидаги ҳўсага келди: **Биринчи** мукофотга публицист Аҳмад Ҳўжа (ЎЗА) «Америка таассуротлари ёки ватан ҳақида кўшиқ», «Янги кун муборак!» «Фидойи инсонлар — Ватан таянчи» публицистик мақолалари учун; **Иккинчи** мукофотга

ёзувчи Эркин Аъзам (ЎЗА) «Бизнинг ватан» мақоласи, журналист Лев Спиридонов («Народное слово») «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси ҳақидаги туркум мақолалари учун;

**Учинчи** мукофотга журналистлар Исмаил Ҳўдоёров («Халқ сўзи») «Қонун — жамият ойнаси» суҳбати, Назира Ҳўжаева (ЎЗА) «Эртанги кунни кўзлаб», «Шаҳарга оби-ҳаёт келди» Анна Иванова (ЎЗА) «Фан ва ишлаб чиқариш — бир занжир халқлари», «Жонсиз ернинг тирилиши», «Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги: дастлабки қадамлар» мақолалари учун лойик деб топилди.


Фотоматериаллар учун эълон қилинган таллов натижаси қуйидагича: **Биринчи** мукофот билан

Рустам Шағаев (ЎЗА) Фарғона нефтини қайта ишлаш заводидан тайёрлаган фоторепортажи;

**Иккинчи** мукофот билан Омонбой Муротов (ЎЗА) Қорақалпоғистон давлат автомобиль инспекциясига бағишланган фотоочерки; Рўзмет Жуманиёзов (ЎЗА) «Мустақиллик иншоотлари» мавзусида тайёрлаган фотоларлари;

**Учинчи** мукофот билан Тоҳир Ҳамроқулов («Халқ сўзи») «Кўксаройда булбул навоси» туркум фотосуратлари, Шомурод Шаропов (ЎЗА) «Шўртангаз: қувватлар ошмоқда» мавзусидаги фотосуратлари, Баҳром Тураев (ЎЗА) Жизза пластмасса заводидан тайёрлаган фоторепортажи учун тақдирланди. (ЎЗА).

## ҲАР БИР ҒИШТИ ТАРИХ



Қадим ва навқирон Хива юртимизнинг жаҳон айвоқидоги «таширф қоғозлари»дан. У ўзининг ноёб меморий обидалари, бой осори-атиқалари билан асрлар давомида инсониятни хайратга солиб келмоқда.

Кўна шаҳарнинг 2500 йиллик тўйини нишонлаш юзасидан республика ҳўкумати қарори асрий армондоримизнинг ушайлишга йўл очиб берди. Собиқ шўро тўзуми даврида биз бунинг фақат оруз қилардик, холос.

Шаҳар ўзининг улуғ маъракаси олдидан қўни қиёфа касб этмоқда. Юбилейга ҳўзирлик қизгин бошлаб юборилган. Тарихий-меморий обидаларни таъмирлаш (улар оз эмас: юздан ошади) катта ва масъулиятли иш, албатта. Хоразм илмий ишлаб чиқариш-таъмирлаш устаконаси хўнамандларни бунинг тўла ҳис этиб, Кўна Арк, Богча дарвоза, Тош ҳўвли ёдгорликлари, Ичон қалъининг кўна деворларини қайта тиклаш, асл ҳўлига қайтариш учун жонболлик кўрсатаётдилар. Шу кунгача юз миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.


Хоразмликларнинг қадим боболар меросига илхос-эйтибори кечис. Яқиндаги на вилоят ҳўкумати ташаббуси билан шаҳар юбилейига бағишлаб хайрия шанба-

лиги ташкил этилди. Тушган маблағ маҳусе «Хива» жамағармаси ҳўсобига ўтказилди. Бу эса белгиланган эзу ишларни бекаму-кўст, ўз муддатида амалга ошириш имконини бериши шубҳасиз. Айни пайтда қадим шаҳар тарихи, меморий обидалари, улуғ аждодларимиз ҳақида ҳўқоқ қўлувчи китоб, рисоалар тайёрланмоқда. Шаҳарга юбилей кўнларига ташриф буюрадиган меҳмонларни кўтиб олиш, уларга юқори малакали хизмат кўрсатиш учун маданий-машиий шохобчалар, замонавий меҳмонхоналар қўриш ҳам бошлаб юборилган.

Мероснинг баҳоси йўқ. Боболаримиз кўна обидлага қўйган ҳўр битта гишт аслида тарих, бизгача етиб келган қимматли бойлик. Ана шу бойлиқни кўз қорачиғидек асраш, келгуси айлдошларга асл ҳўлида етказиш шарафли бурчимиздир.

Комил ҲУДОЙБЕРГАНОВ, Ичон қалъа музей-қўриқхонаси илмий ҳўдими.

Гурлан тумани марказида ташкил этилган «Гурлан» ишлаб чиқариш комплекси ёғочдан ҳўр хил қурилиш учун ойна, эшик, дарвоза, стол ва стуллар ишлаб чиқармоқда. (Чандан) наққош Эримбет Раҳимов, фирма раҳбари Каримбой Собиров ва уста Янгибой Ҳасанов. Қ. ОТАЕВ тасвирга олган.



## Транспорт хизмати 10 ТА ЭДИ, 30 МИНГА ЕТДИ

**Маълумотларга қараганда, Хоразмни ташқи дунё билан боғловчи илк автомобиль йўли иккинчи жаҳон уруши арафасида барпо этилган. Унеча мавзудо йўللardan асосан сажро «кемалари» — туяларгина ўта олган, холос. Аммо воҳада дастлабки автомобиллар асримизнинг йигирманчи йиллари бошидаёқ пайдо бўлган эди. На темир йўли, на автомобиль тармоғига эга бўлмаган ўлкага XX аср мўъжизаси — машиналар қайқдан кела қолди?**

Қатновнинг яна бир востаси — сув йўли воҳада азалдан мавжуд эди. Дастлабки автомобиль парохолларда келтирилган. 30-йиллар охирида кўчма кўм сахорлари узра солинган дастлабки йўл тилдираклар остида мустақамлашиб, транспорт қатновининг такомиллашуви имкон яратилган.


Бунинг эса ижтимоий ҳаётимизни автотранспорт восталарини тасаввур қилиб бўлмайди. Юк ва йўловчи ташинишларнинг ўрни бекибди. 1930 йили таркиб топган Хоразм округ «Союзтранс» ташкилоти қарамонда янги 10 та юк автомобилли мавжуд эди, холос. Абдулариф Оттеп, Ҳайитбой Матчонов ва бошқалар воҳанинг қатловчи ҳайдовчилари бўлишган.

1940 йилда келиб автомобиллар сонини 40 тага етказилди. Воҳа шаҳарлари ва туманларида дастлабки автоҳўжаликлар урушдан кейинги йилларда пайдо бўлган. 1955 йили вилоят автотранспорти тарихида муҳим воқеа рўй берди. Шу пайтгача тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиб келган бир неча автоҳўжалик замирида вилоят автотрети таркиб топди. Мазкур ташкилотта 17 та автокорхона уюшган. Уларда 4,5 миң киши меҳнат қилмоқда. Вилоятдаги жами автомобиллар сонини эса 30 миңгадан ошди. Эндиликда замонавий автотранспортининг ҳўқини суратда халқ ҳўжалигининг «моторига» қўйсалашибди. Бунда катта маъно бор.

Амалга ошириллаётган иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатлари туфайли тармоқини узоқ йиллар мобайнида исканжасига тутиб келган ҳўжасизлик, лоқайлик, иерофарчилик ҳўлатлари барҳам топапти. Унинг ўрнида оқилона иш юритиш, мулкни авайлаб асраш, бурча ва меҳнатга янгича муносабат таъминини қарор топиб, транспорт хизмати кўрсатишда яхши натижаларга эришилмоқда. Вилоят автотранспорт хўдмаларининг айни кундаги лиққат-эйтибори тармоқини янада ривожлантириш, мамлакатимиз тарихидаги жонли сана — мустақилликнинг беш йиллигини ёғур юз билан кўтиб олишга қаратилган.

Ярашбой ПОЛВОНОВ, «Хоразмтранс» бирлашмаси бошлиғи.

# ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАНОТИ



## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Хоразм вилояти. Ҳудуди — 6,3 минг квадрат километр.
- Аҳолиси — 1,23 миллион киши. Ҳар квадрат километрга 190 киши туғри келади. Вилоятдаги мавжуд учта шаҳарда ялли аҳолининг 24,9, унта туманда 75,1 фоизи истиқомат қилади. 157 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда.
- Вилоят маркази — Урганч шаҳри. Бу ерда вилоят аҳолисининг 11,62 фоизи яшаб, меҳнат қилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг бешинчи йилида Шовот туманида йирик подшипник заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йилига 80 миллион дона шиша идишлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона ҳам ана шу туманда қад ростлади.

Минтақада ягона ҳисобланган бу йирик завод тумандаги «Дустлик» жамоа ҳўжалиги маблағи эвазига барпо этилди.

Хонқа пахта тозалаш заводи қошида «Хонқа-шўя» қўшма корхонаси иш бошлади. Маъмур туқимачилик маж-

муи йилига 10 миллион погонometr газлама ишлаб чиқариш қувватига эга.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Хива шаҳрининг 2500 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан қизғин тайёргарлик қурилмоқда. Ҳозир бирийула 30 га яқин тарихий ва меъморчилик обидалари таъмирланаётир. Ободончилик ишлари ҳам кенг тус олдирилмоқда. Сарф-харажатлар маҳаллий ва марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан қопланапти.

Жорий йил бошига келиб вилоятдаги корхона ва ташкилотлар сони 6793 тани, жумладан кичик корхоналар 1869 тани ташкил этди. Вилоятда 11 ижара, 351 та ҳиссадорлик, 1491 та хусусий корхона фаолият кўрсатапти.

Қўшма корхоналар сони 15 тага етди. Қишлоқ жойларида 878 та деҳқон-фермер ҳўжаликлари ташкил этилган.

Вилоятда аҳоли пунктларини газлаштириш юзасидан катта ишлар

амалга оширилмоқда. Ўзбекистонлик ва америкалик мутахассисларнинг узаро ҳамкорлиги туфайли магистрал газ тармоғи қувурларини Амударё остидан утказишдек мураккаб муҳандислик муваффақиятли амалга оширилди.

Урганч шаҳрида йилига 220 минг уяли алоқа ускуналарини ишлаб чиқариш қувватига эга булган йирик завод барпо этилди. Бу ерда урнатилган замонавий жиҳозларни Жанубий корейлик ҳамкорлар етказиб беришди.

Ҳазорасп шакар заводи қурилишида технологик ускуналарни урнатишга киришилди. Республика озиқ-овқат саноатининг маъмур йирик корхонаси йилига 50 минг тонна шакар ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Бугунги кунда вилоятда 40 га яқин хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ алоқалари урнатилган. Импортнинг 68 фоизи Германия, 19 фоизи Россия, 4 фоизи Беларусь, экспортнинг 39 фоизи Швейцария улдушига туғри келади. Утган йили ташқи савдо обороти 238,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

## Истиқлол одимлари

### ҚИШЛОҚ — ЖАҲОН БОЗОРИГА

Икки йилча муқаддам, Бешариқ қишлоғида пахта толасидан тиббий момиқ тайёрлайдиган корхона қурилармиш, деган гап тарқалганда кўпчилик ишонмаган эди.

Курувчи ва мутасаддилар ишни чўзишмиди. Бино қисқа муддатда қад ростлади. Зарур ускуналар келтирилди. Қишлоқ ёшларига янги хўнарни инглиз мутахассислари урнатишди. Қарабиски, олам гулистон. Илк маҳсулот дунё юзини кўрди. Уни дастлаб вилоятдаги шифоналарга тарқатишди. Эҳтиёждан ортгани чет элга жўнатилади. Албатта, валюта ҳисобига.

Богот туманидаги Бешариқ қишлоғида барпо этилган «Ўзбекистон-Буюк Британия — Россия» қўшма корхонаси бугун вилоят иқтисодига катта фойда келтираётир. Унга яқиният билан «Хива», деб ном беришган. Корхона бир иилда 2400 тонна пахта толасини қайта ишлаб, жаҳон андозалари даражасида тиббий момиқ тайёрлаш қувватига эга. Бу нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар эҳтиёжини ҳам бемалол қоплайди. Эътибор беринг: момиқ учун ишлатиладиган том ашё — бешинчи на пахта толаси. Ҳатто янада арзон лигидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Корхона бир тонна бешинчи навл тогани 33,5 минг сўмдан ҳарид қилиб, тайёр маҳсулотнинг тоннасини хорижга 2645 доллардан сотмоқда. Шунинг ўзи — талбиркорликнинг амалдари кўриниши эмасми!

— Туғри, ҳали тўла қувват билан ишлашга эришганимизча йўқ, — дейди қўшма корхона бош директори Қадамбой Отажонов. — Бунга айрим сабаблар бор. Технологик жараён учун зарур химикатлар Англиядан келтирилади. Иқтисодий алоқалардаги баъзи қийинчиликлар сабабли таъминотда узилишлар ҳам содир бўлиб туради. Шунга қарамай, иш суръати ёмон эмас. Утган илди 423 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқардик. Еки 25 миллион 697 минг сўмлик маҳсулот сотилиб, 3 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик 17,6 фоизни ташкил этди.

Бу йил корхонада минг тонна пахта толаси қайта ишланиши режалаштирилган. Утган давр мобайнида хорижга урим миллион АҚШ долларини миқдорда маҳсулот сотилди. Фой-

да ҳам, манфаатдорлик ҳам чакки эмас. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 3200 сўмга туғри келмоқда.

Қўшма корхонада иш уч меҳнада ташкил қилинган. Бир кеча-кундузда 4,5-5 тонна ҳўмда маҳсулот тайёрланмоқда. Энг муҳими, қишлоқ ёшлари учун иш ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда уларнинг 76 нафари шу ерда меҳнат қиляпти.

Қўшма корхонанинг келажакги порлоқ. У тўла қувват билан ҳаракатга келгач, туман иқтисодининг қўдратли устунига айланади, дейишга барча асослар бор. Бу шунчаки гап эмас. Атиги бир ярим гектар майдонни эгаллаган, етмиш нафардан ошиқ кишини ўз бағрига олган корхона маҳсулотига талаб охиб бораётганлиги нимани аниқлатади? Демак, «Хива» тез орада ўз қаддини тиклаб, жаҳон миқёсига чиқди, жамоа хазинасига тушаётган валюта миқдори кўпаяди. Бу эса кўшимча маҳсулот, янги иш жойлари, демакдир.

Р. ҲАСАН,  
жамоатчи муҳбир.

## Хусусийлаштириш

### «БЎЛИНГАННИ БЎРИ ЕМАС»

Чорвачилик — қийин соҳа. Тармоқда хусусийлаштириш жараёни бошланган кезларда, очиги, чорвалдорларимиз ҳиссадорлик жамияти тузилишига унчалик рўйхўш беришмаганди. Чунки, биз унқ йиллар фақат буйруқ ва кўрсатмалар асосида ишлашга одатланиб қолгандик. Шунинг учун янгиликни «ҳазм» қилиш осон бўлмади.

Икки йил муқаддам ҳўжалик иҳтиёрида булган сўчилик фермасини ўттиз беш нафар чорвалдор ўз тасарруфига олишга эришилди. Туғри, ишлар даров юришиб кетмади. Чорвалдорларимизни янги шароитга мослаш, уларда ҳар бир ситир-бузоққа, иш қуроли ва озўқага ўз мулклик қараш руҳиятини яратиш учун муайян вақт керак бўлди.

Ҳақимиз меҳнатқаш, янгиликка ўч. Буйруқ билан ишлашдан кўра ўзи эркин ҳаракат қилишни маъқул кўради. Жамоамиз фаолияти бунга жонли мослаш. Утган ҳўжалик йилида 400 тонна сўт сотиб, бир ярим миллион сўм даромад олди. Шунинг 180 минг сўм соф фойда. Бу йилги режаларимиз ҳам катта. Маҳсулот миқдорини ошириш, юқори манфаатдорликка эришиш учун бирча имкониятларини ишла солятимиз. Қарамогимизда 500 бошга яқин қорамол бўлиб, шунинг 215 боши соғин ситирлар. Ҳар кунни бир тоннага яқин серё сўт сотиб олинмоқда. Наслчиликка эътиборини ошириш, говмишлар сонини кўпайтириш ютуқларга қанот бағишляпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида юз

бошлан зиёд бузоқ олдиқ. Ана шунинг ҳаммаси ўзимизники. Моддий манфаатдорлик ошган сайин ҳодимларимизда ишга қизиқиш кўнаймоқда. Утган йили олинган соф даромаднинг 20 минг сўми моддий ёрдам кўрсатишга сарфланди. Чорвалдорлар ўлкаимизнинг диққатга сазовор жойлари, муқддас зиёратгоҳларига сайёҳат қилиб, ёз давомида мароқтин дам олдилар.

Ҳозирги кунда ўртача маош икки минг сўмни ташкил этапти. Бу мулк шаклини ўзгартирган жамоалар орасида юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади. Юртимизда янгилик кўртаклари нишонга кўрсатмоқда. Вақти келиб, мулкдорларимиз ривожланган давлатларига ўз ҳамкасблари каби яшаш ва ишланиш ўзлаштириб оладилар. Бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шу. Зеро, турмуш фаровонлиги, эл-юрт дастурхонининг тўқилиши кўп жиҳатдан биз, чорвалдорларга боғлиқ.

Латифбой ҚАРИМОВ,  
Урганч туманидаги «Дўмон» жамоа ҳўжалиги худудидидаги «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти раиси.

Кўш саҳифа материалларини «Халқ сўзи» муҳбирлари А. Собир ва Н. Тошевлар тайёрлашди.

## Қандай дам олаяпсиз?

### ОРОМГОҲГА АЙЛАНГАН СОҲИЛ

Шовот каналининг ўйнақчи сувлари Урганч шаҳрини ораб-абад этиди. Бундан 10—15 йил аввалги саёй-ҳаракатлар туфайли каналнинг беқарор соҳиллари мустаҳкамланиб, тартибга келтирилганди. Утган йиллар мобайнида омонат қурилган маъмур иҳота тўсиғи буткул яроқсиз ҳолга келди. Вилоят ҳўқимлиги ва шаҳар раҳбариятининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган, уч йилга мўлжалланган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш дастурини

амалга ошириш емирилган қиргоқларни мустаҳкамлашдан бошланди.

Шаҳарликлар оммавий суратда дам оладиган қарийб 4 чакиримлик йўлакни ободонлаштириш учун атиги бир ҳафта кифоя қилди. Жазирама ёз пайтлари каналга тушиб чўмилиш учун махсус зиналар, бутун соҳил буйлаб 60 дан зиёд тош ўриндиқлар урнатилди. Бу ер эндиликда кечалари ҳам кундузгидек чароғон, гавжум. Белгиланган дастурга мувофиқ, дастлабки

йили каналнинг 2 та кўприги оралиғидаги масофа ободонлаштирилди. Янаги йили тагин 2 та кўприк оралиғи, кейин каналнинг шаҳар худудидидаги қолган соҳиллари оммавий истироҳат масканига айлантирилади.

Оромгоҳлар бағрини кўпдан-кўп доимий ва мавсумий теннис кортлари, уйингоҳлар, маъқ майдонлари ва ҳордиқ масканлари, тамадди-хоналар, фавворалар, гуллар, гулдўрлар, дарахтзорлар бекзайди.

## Хеванинг 2500 йиллигига

Кўш нурлари қадим шаҳарнинг минора ва мадрасалари пештоқларида ял-ял товланади. Майин эсаётган шабада «Болҳовуз» бўйидаги катта-кичик гужумларнинг япроқларини тортқилаб ўйнайди. Атроф сокин, осуда.

### «БОЛҲОВУЗ» БЎЙИДАГИ ГУРУНГ

(Лавҳа)

қўйиб, ухлаб қолар эдик. Одамлар бу томошалардан руҳ ва қувват олиб, баракали меҳнат қилишарди.

Сўхбатга ёши тўқсонга яқинлашиб қолган Саиджон бобо кўшилади:

— Бу ҳовузлар нафақат оромгоҳ, балки узидан ҳўзурбахш эпкин уфуриб, об-ҳавони тозалаб турадиган мўъжизавий қудратга эга. Мен бу ҳовузлар бўйида ўйнаб-қулиб ўсганман, кўп донолар суҳбатда бўлганман. Э, несини айтасиз. Мана энди тўқсонга ҳам тўқнашиб турибман...

— Энг муҳимини айтмадингиз-ку, — дейди гапни ҳазилга буриб Кўш-

назар бобо. — Ешлигингизда кампиршони «Болҳовуз» бўйига таклиф қилганларингиз...

Кулги, қийқирик кўтарилди.

— Гапни айлантирмасангиз-чи, Эшназар! Ундан кўра манави муҳбир болага ҳовузнинг бошқа хислатларини айт! Йўқса ҳассам билан...

Яна қийқирик. Гурунгни Эгамберган ота Маматов давом эттиради:

— Сувини айтмайсизми! Номидан сезгандирсиз, суви худди болдан ширин эди. Ҳатто қишда ҳам махсус уйда музлатиб қўйиб, аҳолига парчалаб тарқатишар, чой дамлаб

ичишарди.

— Ташвишланманглар, — дейди отахонларга далада бериб қурилиш бошлиғи Қ. Исқандаров. — Лойиҳада ҳаммаси аниқ кўрсатилган. Биз фақат ҳовузни эмас, унинг яқинида хон замонасида қурилган музхонани ҳам таъмирлаймиз. Ҳали бу жой бир обод, гўзал маскан бўлинки, кўрганда яшариб кетасизлар. Ахир, обидалар халқимизнинг бебаҳо бойлиғи-ку. Уларни аслига қайтаришимиз керак.

Отахонлар ҳазил-мутойиба билан усталарга омад тилаб, дуога қўл очиди. Биз эса қурилиш жараёни билан

## 500 МИНГ ТЕРАК

Кўшқўпир туманидаги И. Иброҳимов номли жамоа ҳўжалигида қейинги йилларда йўл, ариқ, зовур ва дала бўйларида ўстириляётган тераклар сони 500 минг тупдан ортиб кетди.

Таъкидлаш жоизки, жамоа ҳўжалиги худудидидаги Уртаёп қишлоғи аҳли азал-азалдан теракчилик билан шуғулланиб келган. Мустақил республикамизда теракчиликни ривожлантириш юзасидан «Бошланган хайри ташаббус ўртаёпликларнинг куч-ғайратини янада жўш урдириди. Ҳозир қишлоқдаги 1200 ояланинг бари теракчилик билан шуғулланапти. Кейинги 2 йил ичидида ундирилган кўчталарининг ўзи 300 минг тупдан зиёдни ташкил этади. Биргина Саидназар Давлатов раҳбарлик қилаётган бригада худудда 60 минг тупга яқин теракчилик бригадаси раҳбарчилик қилаётган Раҳимбой Ражабов ва Раҳимбой Машрапов ўзларига қарашли пахта пайкаллари атрофида 2,5 минг тупдан ортиқ терак ўстиришляпти.

Қ. ОТАЕВ.




А. САФОЕВ,  
журналист.

• Кичик бизнес — иқтисодийнинг устувор йўналиши

# «СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГ»,

— дейишмоқда Тошкент туманидаги «Меридиан-А» хусусий корхонасида тайёрланган «Истиқлол» деб аталувчи шифобахш маъданли сувни ичиб, чанқоғини қондирган одамлар



«Тошкент» маъданли сувининг таърифу тавсифи ҳақида эшитмаган киши тоғилмас кераг-ов республикамизда. Сабаби — унинг таркибида микроэлементлар: литий ва аммоний; катионлар: калий, натрий, магний, кальций, рух, фтор, хлор, сульфат, гидрокарбонат ва кремний кислотаси мавжудки, бу моддалар инсон саломатлиги учун гоёта фойдалидир. Бироқ ҳозирга қадар ушбу оби ҳаёт ярим литрли шишаларга куйилган ҳолда савдо шохобчаларига чиқарилади. Унинг идиши ва сифати эса жаҳон андозалари талабига жавоб бера олмас эди. «Меридиан-А» ишбилармонлари Камолитдин Муҳиддинов, Мирзохид Умаров, Маъмурхон

Медетбеков ва Абдухалил Шоалимов ана шу муаммони ҳал этишга қўл урдилар ҳамда маъданли сувни тайёрлашда «Истиқлол» табиий маъданли сувни 1,5 литрли полиэтилен идишга куйиш йўлга қўйди. — «Истиқлол»нинг «Тошкент» маъданли сувидан фарқи фақат шундангина иборат эмас, — дейди фирма бош директорининг тижорат ишлари бўйича уринбосари Камолитдин Муҳиддинов. — Унинг таркибида атмосфера ҳажмида газ бор. Агар «Тошкент»да бу кўрсаткич 3 атмосфера ҳажмида эканлиги назарда тутилса, «Истиқлол»нинг сифати жаҳон стандартлари даражасига тенгли ойдиллашади. Корхонани ишга туширишдан



аввал икки каватли бино қуриди, асбоб-ускуналар эса хоржидан келтирилди. Масалан, Италиядан музлаткич, Германиядан компрессорлар, Польшадан идиш тайёрлайдиган 2 та машина (ҳар қайсида бир кеча-кундузда мактаб лабораториясидаги пробиркага ўхшаш полиэтилен қоманчадан пуфлаш усулида) 1,5 мингта идиш тайёрланади), Польша ва Германиядан сув куйиш линияси, Бельгиядан пробиркалар олиб келинди. Чет эллик мутахассислар бу жиҳозларни ўрнатиб билан бирга, маҳаллий йигит-қизларни ишга ҳам ўргатдилар. Улар эндиликда мустақил равишда меҳнат қилиб, соатига 3 мингтагача полиэтилен идишга шифобахш маъданли сув ишлаб чиқармоқдалар.



Туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлар палатасининг раиси Нуриддин Раҳимовнинг айтишича, бу ерда бугунги кунда нодавлат секторидан 308 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг шарофати ила 2943 нафар киши иш билан таъминланди. Мавжуд корхоналарда эса ўтган ярим йил ичида 231 миллион 104 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Янги ишга туширилган «Меридиан-А» хусусий фирмаси эса туман иқтисодийти ривожига муносиб ҳисса қўшибди. Колмаздан, қарийб 150 нафар кишини муқим иш жойига эга қилди.

Фасида туман марказидаги дўконларда «Истиқлол» маъданли суви пайдо бўлганда, дастлаб кўпчилик ажабланишди, кейин эса у ўзининг шифобахш обиламандан тайёрланганини билган, унинг ижодкорларини «Сувдек сероб бўлинглар!» дея алқадилар. **И. ЎТБОСАРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири. **СУРАТЛАРДА:** сув куйиш цехининг ишчилари **Ира Ордина** ва **Оғил Алимбетов;** фирма мутахассислари (чапдан ўнгга) **Камолитдин Муҳиддинов,** **Маъмурхон Медетбеков** ва **Мирзохид Умаров** тайёр маҳсулотни кўздан кечиришяпти. **Х. МИРЗАКАРИМОВ** олган сурачлар.

# ҚЎШ БАЙРАМ

Назминисо ДЕХҚОНХЎЖАЕВА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги микология ва протозой касалликлари республика илмий маркази директори, «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби», профессор:

Илмий марказимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Катталар учун 40, болалар учун 40 ўринли шифохонамизда замбуруғ касалликлари даволаднади ва илмий ишлар олиб борилди. Астма (нафас сиқилиши) бронхит, сурункали шамоллаш, қон бузилиши (сепсис), ҳар хил тери касалликлари, сочининг бутунлай тўкилиб кетиши (қош, киприқлар ҳам бирга тўкилади) замбуруғ чақирувчи касалликлар ҳисобланади. Мен ана шундай янги замбуруғларнинг келиб чиқишини аниқлаганман ва улар дунё каталогига кирган. Улар қонда, она сутида,

чақалоқнинг киндик қониди ва туپроқда бўлади. Бунинг учун мен шу йилнинг февраль ойида Россия табиий фанлар академиясининг академиги бўлдим. Ёш болаларнинг касалданиши ва ўлимнинг 60 фоизига замбуруғлар сабаби бўлади.

Кўни-кеча Исроилдан келдим. У ерда замбуруғ касалликлари бўйича ўтказилган Халқаро конференцияда «Марказий Осиёда янги замбуруғ касаллиги» мавзусидаги маърузам билан қатнашдим. Фарзандларимиз биз қилиб улгурмаган ишларни давом эттирувчилар ва келажак ворисларидир. Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга давлатимиз катта эътибор бермоқда. Ўтиш даврининг қийинчиликлари қарамасдан уларнинг соғлом туғилиши, ўсиши, илм олиши, касб эгаллаши учун барча имкониятлар муҳайё. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши давлатимиз, ҳукуматимиз ва халқимизнинг ёш авлодга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати ифодасидир.

Истиқлол байрами арафасида Президентимиз фармонида кўра I - даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирландим. Миннатдорчилигимни сўз билан ифодалашга ожизман. Бундан бунён ҳам эл-юрт саломатлиги учун хизмат қилвераман.

«Халқ сўзи» мухбири **Г. ХУСАНОВА** ёзиб олди.

# СИРДАРЁ ЖАҲОН БИЛАН ГАПЛАШАДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллик байрами арафасида Сирдарё вилояти аҳолиси катта қулайликка эга бўлди.

Бу ерда Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» фирмаси билан ҳамкорликда халқаро электрон рақамли станция қуриб битказилди. Станция 40 минг телефон нуқтасига хизмат қилади. Вилотнинг 5 та шаҳри — Гу-

листон, Янгийер, Бахт ва Ширин шаҳарлари янги алоқа тизимига уланди. Янги станциянинг ишга туширилиши муносабати билан Гулистон шаҳрида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда

вилоят ҳокими **Г. Ҳасанов** сўзга чиқди. Вилотнинг барча туманларини янги, замонавий алоқа тизимига улаш ҳақида шартнома тузилди. (ЎЗА).

# МАРФИЛОННИНГ «БАХТ УЙИ»

Истиқлолнинг байрами арафасида марғилонлик ёшлар катта совға олишди. Фарғонада хайрли ишлари, саховатли тadbirkorлари билан донг таратган ишбилармон Анваржон Мирзаев шахсий маблағи эвазига тантанали маросимлар саройи — «Бахт уйи»ни қуриб фойдаланишга топширди. У ўзининг дастлабки миқдорлари-катта ҳаётга қадам қўйган ишларни қабул қилиб олди.

Миллий меъморларнинг жилдоркор нақшлари билан безатилган бинонинг тантаналар залида замонавий бинокорлик анъаналари билан Шарқ меъморчилигининг қадимий усуллари уйғунлашиб кетган. Мустақиллик тўйига армуғон қилинган ана шу қошонада

биринчи бўлиб ниҳоқ рўйхатидан ўтиш бахтига «БОНУ» фирмаси чевари Ҳоҷаржон Мирзаева, нақош Маъруфжон Исмоилов ҳамда шаҳар ҳокимлиги котибаси Мағлубахон Сиддиқова ва нон комбинати ишчиси Русатжон Раҳимовлар муяссар бўлишди.

Муҳташам бинони фойдаланишга топшириш маросимида Фарғона вилоят ҳокими **М. Исломов** иштирок этиб, хусусий тadbirkor Анваржон Мирзаевни ушбу хайрли ишни оталиққа олганлиги учун самимий қўтлади. **Набижон СОБИР,** «Халқ сўзи» мухбири.

# ШОЛИГА ЎРОҚ ТУШДИ

Корақалғистонда шולי ўрими ўтган йилдагидан анча барвақт бошланди. Мавсуми Нукус ва Қонликўл туманлари хўжаликлари бошлаб берди. Ҳадемай барча шоликор хўжалиқлар ўрими-йиғимга киришди. Корақалғистон шоликорлари бу йил 350 минг тонна ҳосил кўтариш иштиёқига меҳнат қилмоқда.

# ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ БОЗОРИ

Жиззахда қурилиш ашёлари бозори очилди.

«Жиззахултуржибиржасавдо» компанияси ташаббуси билан ташкил этилган бу бозорда юздан кўпроқ турда маҳсулот сотувга қўйилди. Биринчи кунёқ қарийб 700 минг сўмлик қурилиш ашёлари сотилди. Бундай бозор ташкил этилганлиги нақд пул эмиссиясини қисқартирибгина қолмай, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, фуқароларга зарур қурилиш ашёларини сотиб олишда катта қулайлик яратмоқда. (ЎЗА).

# «КАМОЛА ПАРВОЗИ» ФИРМАСИ

«КАМОЛА ПАРВОЗИ» фирмаси Тошкентдаги омборларидан енгил ва юк автомобиллари учун **GOOD YEAR** ШИНАЛАРИНИ СОТАДИ. Тўлов шакли - сўмларда пул ўтказиш йўли билан. Манзилгоҳ: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 52. Телефон: 56-41-25.



# МАҚСАД — ҚОРИҶГА

# КўПРОҚ МАҲСУЛОТ СОТИШ

Ўзбекистон виноси... ўзининг хушбўй таъми, сифати билан қорихида аллақачонқоқ оғизга тушган. Шунга қарамай, уни экспорт қилиш ҳамон оқсомоқда. Гап шундаки, вино маҳсулотлари ҳар доим ҳам сифатига мос идишларда чиқарилаётгани йўқ.

Шу мақсадда фойдаланилаётган технология ҳам анча эскириб қолгани сир эмас.

Кейинги вақтда бу ҳолга барҳам бериш учун «Ўзбекистон винотехнология» уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда технологияни янгилашга жиддий киришилди. Самарқанд, Шаҳрисабз, Янгийул вино заводлари ва комбинатларида маҳсулотни экспорт қилишга тайёргарлик кўрилмоқда. Уюшма виночилик бошқармасидан хабар қилишларича, ҳозир республикамизда виночиликка ихтисослашган 59 завод фаолият кўрсатмоқда. Бу йилги мавсумда мақсур корхоналар 300 минг тонна узум қабул қилиб олади. Хўжалиқлар билан тузилган шартномага мувофиқ уларга йил бошидан ҳосилнинг 25 фоизи миқдоридан аванс тарқатилди.

Виноларимиз жаҳон бозорига тез чиқиб ололмаётганининг яна бир сабаби спирт тақчиллигидир. Айни пайтда республикамизда бунинг ҳам тадориги қурилмоқда. Жумладан, яқин фурсатда Қўқон вино заводи ва Андижон биохимия заводида спирт ишлаб чиқариш линияларининг иккинчи навбати ишга тушади. Ҳадемай Ўзбекистон винолари жаҳон бозорига ўзининг мустақкам ўрнини эгаллайди.

**Н. ДУШАЕВ,** ЎЗА мухбири.

# ХАЛҚАРО МУСОБАҚА БОШЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида Самарқандда теннис бўйича халқаро «Челленжер» мусобақаси бошланди. Унда жаҳоннинг йигирма давлатидан 30 нафар кучли спортчи иштирок этмоқда.

Самарқандликлар турнирга катта тайёргарлик қўришди. «Динамо» спорт мажмуида барча талабларга жавоб берадиган бешта теннис корти қуриб фойдаланишга топширилди. Икки каватли янги муҳташам меҳмонхона, 500 ўринли қаҳҳарона спортчилар олтиёрига берилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими **А. Мардиев** сўзга чиқди.

# «ОҚ ОЛТИН» КАРВОН-КАРВОН



Мамлакатимиз мустақиллигининг бешинчи йилида 380 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш иштиёқига меҳнат қилаётган Сурхондарё вилояти пахтакорлари йиғим-теримни бошлаб юбордилар. Вилотнинг Ангор, Бандихон ва бошқа туманларида дастлабки ҳосилдан «оқ олтин» қаровилари ташкил этилди. Ангор туманида биринчи кун 100 тоннадан зиёд, Бандихон туманида эса 80 тонна ҳосил топширилди.

**СУРАТЛАРДА:** пахта теримидан лавҳалар.



# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАРИГА ХАМДА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДЕПОЗИТЛАРИГА ВА АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРИГА ОИД ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ 1996 ЙИЛ ИЮЛЬ ОЙИ МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ НОМИ	ЎРТАЧА ФОИЗ СТАВКАСИ			
	ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА	АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРИ БЎЙИЧА	ҚИСКА МУДДАТЛИ ССУДАЛАР БЎЙИЧА	УЗОҚ МУДДАТЛИ ССУДАЛАР БЎЙИЧА
1	Ўзсаноатқурилишбанк	21	44	57
2	Пахтабанк	48	34	69
3	Халқ банки	*	68	53
4	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	10	35	56
5	Тadbirkorбанк	43	52	74
6	ЎТ банк	*	*	**
7	"Тошкент" дехқон-қурилиш банки	*	*	82
8	Ўзавтодорбанк	*	35	90
9	Ўзавиабанк	*	*	70
10	"Илак йўли" банки	*	58	60
11	"Турон" банки	42	79	63
12	Сармоябанк	10	*	**
13	Савдогарбанк	67	30	83
14	Наманганбанк	*	46	50
15	Андижонбанк	69	61	89
16	Ўзметасабзавотбанк	50	45	90
17	Ўзгеолбанк	*	46	**
18	Қурилиш-тижорат банки	*	31	**
19	Ўзенгилсаноатбанк	*	30	**
20	Парвинабанк	*	30	62
21	Олимбанк	*	*	**
22	Умарбанк	*	*	**
23	Трастбанк	*	10	71
24	Ғаллабанк	35	33	51
25	Алоқабанк	30	54	50
26	Приватбанк	*	*	**
27	Саёхатинвестбанк	*	*	60
28	Заминбанк	*	*	45
29	"Асака" банки	30	12	44
30	Тошкентуйжойжамгармабанк	10	50	65

\*) - ҳисобот ойда юридик шахсларнинг депозитлари ва аҳолининг омонатлари жалб этилмаган.  
\*\*) - ҳисобот ойда кредитлар берилмаган.

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР

Мустақиллик кунини байрам қилиш республикамиздаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалардан бирidir. Шу кундан эътиборан биз ўз тақдиримизни, тараққиёт йўлини белгилаб олдик. Янги жамиятнинг пойдевори асос қўйилди. Бу кун бизга кўп нарсалар берди... Шунинг учун ҳам мазкур байрам тантаналари мустақиллик гоёларини амалда мустақамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Эрта-индин мустақилликнинг беш йиллигини нишонлаймиз. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, пойтахтимизда байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш штаби бошлиғи Шухрат Жалилов билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Суҳбатимиз байрамга қандай тайёргарлик қўрилганидан бошласан.

— Бу йилги байрамга одатдагидан кўра барвақт ҳозирлик қўрилди. Уни нишонлашга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш юзасидан шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинди. Ташкилий кўмак ва ишчи гуруҳи ташкил этилиб, улар ҳамкорликда иш олиб борилади.

Байрам тантаналари ўтадиган жойларни тайёрлаш, бадиий безаш, уябў жойларда савло, умумий оқватаниш шохобчалари, саҳна майдонлари, саҳна майдонлари бўлиб этиш, шаҳарнинг асосий майдонлари, хабобларидан маданий тадбирларни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Ба й р а м н и ўтказиш ижодий-ташкилий гуруҳи ва раҳбариятининг бево-ситта иштирокида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган тантаналар иштирокида бадиий ҳаваскорлар, жамоалар ва дорбозлар гуруҳлари билан репетициялар ўтказилди. Байрам кунлари спорт мусобақалари, халқ ўйинлари, савдо-кўргазмалар, меҳр-шафқат акцияси, ёшларнинг давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, санъаткорлар, оқсоқоллар билан учрашувлари, «Давра суҳбатлари», бир пилла чой устида гурунлар, бадиий, музикаий кеча ва семинарлар ўтказилди.

Бошлар спорт мусобақалари, танловлар, вибориналар ўтказишга, меҳр-шафқат акциясида бошлар иштирокини таъминлашга, алоҳида эътибор берилди. Шифохоналар, қариялар ва бошлар уйлари, интернатарлар ва ёлғиз яшаётган кексалар, ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-шафқат, хайрия ердاملари кўрсатиш, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлашда туман ҳокимликлари, тегишли бошқармалар ва корхоналар, ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар фаол иштирок этиди.

Анъанага мувофиқ ободчилик ойлиги эълон қилинди. Тошкент курагани қайта таъмирланмоқда. 19 та маҳалла гузары, 3 та мактаб, Темирйўл дарики турики музейи биноси, «Миробод» бозори ва бошқа қўллаб-қувватлаш қўрилиб, фойдаланишга топширилди.

— Байрам тадбирлари асосан қайси жойларга ўтказилди? — Байрам 31 август кунини Мустақиллик майдонидан тантана

билан бошланади. Майдон ўртаксига қўрилган саҳнада машҳур санъаткорлар ва барча вилоятлардан келган кўп миң кишилик ижодий жамоалар вакиллари иштирокида байрам томошасини намойиш этишади. Байрам мушакбозлик билан ахунланади.

1 сентябрь кунини Мустақиллик майдонидан байрам давом этади. Халқ сайлини ўтказилади. Байрам иштирокида бадиий, савдо ва умумий оқватаниш шохобчалари хизмати қўрсатилади. Мухлидин

Хаёра майдонидан Ўзбек давлат цирки, Ёш томошанилар театри, Ўзбекистон телерадиокорпорацияси, Ўзбек давлат эстрадасининг бадиий жамоалари; Мирзо Улуғбек ёлғорлиги майдонидан Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг ансамбли, халқ оркестрлари, машҳур ҳофизу созандашлар қатнашади.

Алишер Навоий театри майдони бошлар сайилгоҳига айланади. Бошлар кўргазмалари, танловлар, мусобақалар намойиш этилади. Бошлар ва ўқувчилар билан маданий-маърифий саройлари, бадиий ижодий мар-

— Сизнингча, бу йилги байрам одиллигидан нима билан фарқланади? — Бу йилги байрам — ўзига хо- юблиғи. Шу боис унда республика-

мизда утган беш йил ичидан мустақилликни мустақамлаш йўлида қилинган амалий ишлар ўз ичун ва натижасини топтомоғи лозим.

Шунинг айтиши керакки, бу йилги байрам улғ соҳибқирон Амир Темир бобомизнинг 660 йиллик юбилейига тўғри келмоқда. Яна бир ўзига хо томони шундаки, байрам арафасида шаҳримизнинг янги герби (рамзи) яратилди ва тасдиқланди.

Байрамлар — маънавият қўзғувчидир. Уларда халқнинг маънавий-маънавий, маърифий қўзғови ва руҳияти маълум маънода акс этиди. Байрам ўз мазмун, моҳиятига кўра — ижодий жарён. Унинг ички табиатида ёрқинликка мойиллик кўчириқ, Совет тузуми давридаги байрамлар назаримда қатъий бир қолмишга ўтказилди, дастурлар ҳам бево-ситта юқорининг кўрсатмаси билан тузилди. Миллий руҳнинг намоеи бўлишига эътибор берилмади. Бугун сунлий говлар олиб ташланди. Хурлик ва озолик байрамларининг бево-ситта бир иштирокчи, шу ёру қунарга етиб келган одамларнинг бири бўлишимиз учун тақдирга шукронлар айтаман.

Хуллас, бу йилги байрам Президентимиз ташкиллашган, «шунчаки нишонланадиган байрам эмас. У иштирокчи ҳақидан янги-янги асарлар яратилиши учун туртки берсин».

«Халқ сўзи» муҳбири Гўлчҳра Йўлдошова, Хўсан ИБРОХИМОВ суҳбатлашди.




МУСТАҚИЛЛИК "ИШҚОТЛАРИ" УСТЮРТ БАҒРИДА УЛКАН КОРХОНА

(Кўнғирот сода заводи қурилишидан репортаж)



Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимизнинг бепоёй ҳудудидаги ер ости бойликларини излаб топиш, уларни халқ манфаати учун хизмат қилдириш том маънода янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг Борса-келмас ва Қараумбет туз конлари каби бой захиралардан фойдаланишга астойдил киришилди. Айниқса, утган йил Устюрт нафттекислининг Кийик-сой массивида қурилиши бошланган сода заводи бу бордаги дадил қадамлардан бўлди.



Ўзбекистонда иқтисодиёт учун устувор саналган соҳаларни жадвал ривожлантиришга аниқсиза фойдаланишга қарийб уч миң киши иш билан таъминланди. Корхона учун зарур хомаша — туз бу ердан 53 километр узоқ-ликда жойлашган «Борса келмас» конидан қувурлар орқали суюлтирилган ҳолда келтирилади. Ҳозир эса бу ерда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Биз «Кўнғирот сода заводи» қурилиш дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Женис Ембергенов ҳамроҳлигида қурилиш билан танишишга киришамиз.

Ҳамроҳим заводи бунёд этишга жалб этилган ташкилотлар билан таништирдик. Улкан корхона-ни барпо этишда «Сувқурилиш», «Агроқурилиш», «Фудраоснаотқурилиш», «Автойўл», «Жанубий газқурилиш» бйришмалари, 260-қурилиш-монтаж поезди сингари Қорақалпоғистондаги йирик қурилиш бўлимлари жамоалари иштирок этмоқда. Шу кўнчага улар кучи билан беш юз миллион сўмликдан зиёд иш бажарилиди. Дарҳақиқат, 76 гектар майдонни эгаллаган бош

корпус ва қурилиш базаси ҳудудини айланар экансиз, нисбатан кўсқа вақт ичида кенг қўламли ишлар бажарилаётганини гувоҳи бўласиз. Қурувчилар ишини кузатиб, ба- жарилган ишлар билан танишаркансиз, эсиб турган ёрқинли шаба- да аста-секин кучайиб, кийимларни тортиқлай бошлайди. Бирлашган сўнг янада шиддатли тус олиб, ча- нг-тупроқ кўзини очирмай қўйди. Қурувчилар табиатнинг бундай ин- жидиғига кўп ҳам эътибор бериш- мас экан.

Ҳамроҳим дастлаб иш электр тармоғини тортишдан бошланганини айтди. Тахминан ГРЭСдан юқори кучли иш электр линияси ўтказилди. Электрподстанция ишга туширилди. «Кўнғирот — Гўлсой» магистрал сув йўлидан то- за сув келтирилди.

— Ҳамма жойда ҳам меҳнат ақ- лига етарли шарт яратиб бериш бош омил ҳисобланади. Бизнинг Устюртмида бунга икки ҳисса кўп аҳамият бериш талаб қилина- ди, — дейди Ж. Ембергенов. — Унинг гувоҳи бўлишимиз, ярим соат илгари ҳаво очик эди. Энди эса чаг-тўзон кўз очирманми. Ёз жазирмасида иссиқ сойда 55 да-

ражагача кўтарилиши мумкин, қишда эса 35 даражагача совуқ бў- лади. Шу боис одамлар учун ту- рар-жой қурилиши биринчи гада- ги вазифалардан деб билдик. 96 хонадонли туртта уй, 250 ва 50 ўринли ошхоналар, ҳаммом ва но- войхона қуриб фойдаланишга топ- ширилди.

Темир-бетон заводи, ёғочни қайта ишлаш, бетон аралашмаси- ни тайёрловчи цехлар эрта-индин ишга туширилди. Ана унда қури- лиш маҳсулотларини узоқдан та- шиб келтиришга ҳоҳат қолмайди. Автосарой биноси ҳам Устюрт-ни мураккаб об-ҳаво шароити ҳи- соба олинган ҳолда тезкорлик бил- ан барпо этилмоқда. Қўнғирот ба- қатдан етти километрни темир йўл тортилмоқда.

Сув йўлининг умумий узунлиги 24 километрни ташкил этади. Чўл бағрида 16 миң аҳоли истиқомат қиладиган муъаж шаҳарча қад қўтармоқда. Бир ярим миң кишилик қурувчилар жамоаси кучи билан ҳр ойда 100 миллион сўмлик қурилиш- монтаж ишлари бажаришмоқда. Заводининг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш учун жа- ми тўрт миллиард 200 миллион

сўмлик ҳажмдаги иш бажарилиши лозим. Бу вазифани удвллаш учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат керакли маблағ ўз вақтида етказиб бериб турилса бўлгани.

«Йули ободнинг эли обод», де- ганлардек, Устюрт гигантининг ўз вақтида ишга туширилиши аввало равои йўлларини телиш барпо эти- лишига ҳам боғлиқ.

— Бунга жуда яхши тушунамиз, — дейди «Қорақалпоғистон» ҳис- садорлик ишлаб чиқариш бирлаш- маси Кўнғирот қурилиш бошқар- маси бошлиғи Мақсад Йўлдошев. — Биз 100 километрни икки ва магистрал йўллар қуришимиз ло- зим. Икки йўллар қурилиши яку- ланиди. Ҳозир 16 километрни «Ра- шад» йўлидаги тупроқ кўтариш ишларини тугатиб, унинг 14 кило- метрига шағал ётқиздик.

Устюртдан қайтарганимиз, сода заводи қурувчиларининг бутун диқ- қат-эътибори корхонани тезроқ ишга тушириб, халққа хизмат қил- диришга қаратилганга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, ЎзА муҳбири Суратлар муаллифи А. МУРОТОВ.

МУРУВВАТ

Андижон вилоятида хайрийд халқ анъанасига биноан тақдир тақозоси билан байрамларда кўп- қилликка аралашадиган им- кони бўлмағи қолган одамлардан ҳол-аҳвол сўрашдек мурувват тад- бири ўтказилди.

Республикамиз муста- қиллигининг беш йилли- ги муносабати билан 75 нафар уруш ногирони ва ёшликлдан ногирон бўлиб қолганларга махсус ара- вачалар туҳфа қилинди. Айни пайтда ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари ҳам уларни турли байрам совғалари ва озиқ-овқат- лар билан сийлади.

ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИНИ, БАРЧА НОГИРОНЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ШУ ДАВР ИЧИДА ИНСОН ОМИЛИ УНИНГ ҚАДРИЯТИ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ МЕЪЗОНИГА АЙЛАНДИ. ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИНГ БУОҚ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТИШДА БАҲОЛЙ ҚУДРАТ ҚАТНАШАЁТГАНЛИГИМИЗДАН БЕҲАД МАМНУНМИЗ. БАРЧАГА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА БАХТ ТИЛАЙМИЗ.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚўМИТАСИ ВА РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БАРЧА ТАДБИРКОР ВА ЙИРИК САРМОЯДОРЛАРНИ бўладиган навбатдаги 1996 йил 2 октябрь кунини "ТАНЛОВ" савдосига таклиф қилади. "Танлов" савдоси соат 10.00да бошланади. Савдога Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган АВТОМОБИЛЛАРГА ЁТИЛЛИ ҚўЙИШ ШОҲОБЧАЛАРИ (АЁҚШ) ҚўЙИЛАДИ. 1. 1-сонли АЁҚШ - Тошкент шаҳри, Аэропорт яқинидаги кўприк тагига жойлашган. Ер майдони узоқ муддатли ижарага берилади. Бошланғич баҳоси - 4 млн. 500 миң сўм. 2. 88-сонли Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрида жойлашган. Ер майдони узоқ муддатли ижарага берилади. Бошланғич баҳоси - 3 млн. сўм. 3. 69-сонли АЁҚШ - Тошкент вилояти, Янгийўл туманида жойлашган. Ер майдони билан сотилади, сатҳи - 1000 кв. м. Бошланғич баҳоси - 1 млн. 825 миң сўм. Кўрсатилган иншоотларга қизиқиши бўлган шахслар ва корхоналар диққатига! "Танлов" савдосида иштирок этиш ва барча зарур маълумотлар юзасидан Тошкент шаҳар Мустақиллик майдони 5, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси биносининг 3-қават, 13-хонасига "Кимосиди ва Танлов ўтказиш комиссиясига" мурожаат қилишингиз мумкин. Аризалар қабул қилиш қоидага биноан танлов савдоси белгилашган кундан уч кун олдин тўхтатилади. Телефонлар: 39-43-71, 39-41-24. ТАНЛОВ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ! АЁҚШЛАР ТАНЛОВ САВДОСИНИНГ ШАРТЛАРИ: 1. АЁҚШлар сотиб олинган кундан бошлаб 3 йил давомида ўз йўналиш фаолиятини сақлаши ва қайта сотилмаслиги лозим. 2. Республика ташқарисидан нефть маҳсулотларини келтиришни таъминлаш ва сотиш ҳажми йилига 2,0 миң тоннадан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим. 3. АЁҚШлар кеча-кундуз тинимсиз ишлашнинг ҳамда "Хўсусий АЁҚШлар иш фаолияти тўғриси"даги 1994 йил 9 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган муваққат низоом ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 мартдаги қарори тартибларига риоя қилишни таъминлаш лозим. 4. Уч йил давомида АЁҚШлар фаолиятдан олинмаган соф фойданин 50 фоиздан кам бўлмаган мблагини сарфлаган ҳолда, эстетик динда асосланган хизмат кўрсатиш маданиятини жаҳон андозасига етказиш ва пуллик хизматлар соҳасини кенгайтириш лозим. 5. АЁҚШларнинг тозаланиш лозим. 6. Таклиф қилинган максимал баҳо.

"ЦМИ" инновация ширкати, XXI аср офиси ва банкининг чинакамига ишчан қиёфасини тавсия этади. FREZZA (Италия) VALENTINI (Италия) AIKO (Япония) раҳбарлар хоналари, холл ва қабулхоналар, мажлислар зали, операция заллари компьютер иш жойлари, пўлат сандиқлар, ўриндиқлар. офис ва банкларнинг лойиҳаси, асбоб-ускуна етказиш, созлаш 40 дан ортиқ услублар, юзлаб каталоглар компьютер негизи 700143, Тошкент, ақ. Абдуллаев кўчаси, 56. Тел: 62-94-39, 62-87-31. Тел./факс: 62-95-61.

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ БОСМАХОНАСИГА ҚўЙИДАГИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР КЕРАК: бош энергетик, экспедитор, ёрдამчи ишчилар, электрик селесарлар, фрезерчилар, токарлар, матбаа ва металлқесувчи ускуналарни соловчи- лар, матбаачилар, режалаштириш бўлими бошлиғи муовини, бош ҳисоб- чи муовини, электрокара ҳайдовчиси ва бошқа ишчилар, линотипистлар. Манзил: Соғбон 1-берк кўча, 2-уй. Транспортлар: метронинг «Чорсу», 18; 24; 26; 1-троллейбусларнинг ва 32; 56; 42; 43-автобусларнинг «Эски Жўва» бекати.

СПОРТ СЎБЎ СЎБЎ СЎБЎ СЎБЎ СПОРТ СПОРТ

**Президент кубоги-96**

**КИМ ФОЛИБ БЎЛАРКИН?**



Маълумки, 2 сентябрдан 8 сентябргача пойтахтдаги «Юнусобод» теннис кортида теннис бўйича «Президент кубоги-96» Халқаро турнири бўлиб ўтади. Анъанавий ушбу спорт мусобақаси бу йил учинчи мартаба ўтказилмоқда.

— Бугунги кунда Ўзбекистондаги теннис уч жихати билан характерлидир, — дейди биз билан суҳбатда «Президент кубоги» халқаро турнирининг ташкилотчиси Сассон Какшури. — Биринчидан, мамлакатнинг теннис жуда тез сурияларда оммавийлашиб бормоқда, иккинчидан, теннис мажмуалари кенгаймоқда, яъни янги, замонавий теннис кортлари кўпайиб келимоқда, учинчидан эса, халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этувчи профессионал ўйинчилар етишиб чиқмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикада янада ривожланиб бораётган спорт турларидан бири — теннисдир. Пойтахт ва вилоятларда ўтказилаётган халқаро турнирлар мамлакатимизда тенниснинг тобора оммавийлашганлигини далил беради. Андижон, Фарғона, Самарқанд, Наманган ва Нукус шаҳарларида бир-бирдан қилинган замонавий теннис кортлари қурилади. Уларда турли миқёсдаги халқаро турнирлар ўтказилди.

Республикада тен-

нисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар ўз натижаларини бермоқда. Мана нидоҳят, ўзбекистонлик теннисчилар ҳам теннис оламида тан олинмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро турнирлар борган сари кучли, ёрқин ракетка усталарини жалб этмоқда.

ПТА таснифи бўйича куйидаги ўйинчиларни эгаллаган теннисчиларнинг исми-шарифи юртдошларимизга яхши таниш. Улар: Карлос Мойя (22), Магнус Густафссон (31), Эрнан Гуми (39), Филип де Вульф (50), Юнес Эль-Айнау (53), Карим Алами (56), Карл Уве-Штеб

(78), Стефан Симиан (90), Грант Стаффорд (100). Хозирда кучли юзликдан ўрин эгаллаган бу теннисчилар илгари юртимизда ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этганлар.

Бу йилги «Президент кубоги» халқаро турнирининг энг «обруди» қатнашчилари испаниялик Феликс Мантिला (ПТА рейтинг буйича 16-ўрин) ва австралиялик Гилберт Шаллер (ПТА рейтинг буйича 48-ўрин) бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари америкалик Жеффорд Таранго (99-ўрин) келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Албатта, спорт мухлис-



Дмитрий Томашевич (Ўзбекистон) бу йил учинчи марта «Президент кубоги» турнири кортига чиқади.

рини халқаро турнирда юртдошларимиздан қимлар қатнашиши қизиқтиради. Булар — олимпиадаларда Олег Огородов ва Дмитрий Томашевичдир. Улардан ташқари асосий сетга берилмаган тўртта ўрин учун Вадим Купенко, Тимур Хонхўжаев, Антон Кокурин, Антон Иванов ва Фанишер Раҳматуллаев ҳам беллашадилар.

Биз теннисчиларимизга бу халқаро нуфузли турнирда фақат муваффақият тилаб қоламиз.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



1994 йилги «Президент кубоги» турнири галаби Чак Адамс (АҚШ). («Халқ сўзи» фотоархивидан)

**ТЕННИС БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!**

Республика Давлат спорт қўмитасидан олинган хабарга қараганда, томошбинлар учун ҳам барча қулайликлар яратилган, турнирнинг ҳамма ўйинларига олдидан билет сотиш ташкил этилган. Теннис мухлислари билетларни бево-сита «Юнусобод» спорт мажмуи ва Давлат спорт қўмитаси кассаларида, «Алломиш» спорт саройида, «Тўқимачи» стадионида, «Ўзбекистон» меҳмонхонасида, Олой бозорида ва бошқа жойларда сотиб олишлари мумкин.

**ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

31 август куни соат 12 да Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кортида «Президент кубоги-96» Халқаро турнири юзасидан матбуот конференцияси бўлиб ўтади.

**АЖОЙИБ ОЛАМ**

**SAMSUNG**



**НОЎБ ВА РАНГ-БАРАНГ!**



**Фирма дўкоплари:**

К.Ю. Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Бешёғоч" бозори, 2-дўкоп	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Олой" бозори	7(3712) 45-80-41
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, "Чорсу" савдо маркази	7(3712) 45-52-69
Кало Холдинг Корпорэйшн	Тошкент, Хўжаев кўчаси	7(3712) 45-52-69
Кафолат-Файз	Тошкент, "Чорсу" бозори, Эскижўва кўч.	7(3712) 42-29-89
ТОУ Ко., ЛТД	Тошкент, Амир Темур кўчаси, 110	7(3712) 34-02-58
ТОУ Ко., ЛТД	Тошкент, "Чилонзор" савдо маркази	7(3712) 35-09-86
СТАЛИК	Фарғона, Аль-Фарғона кўч., 20	7(3712) 24-49-18

CD+OK тизими - диджиталга мос қўшиқлар.  
 CD+OK тизими - компакт-дисклардан фойдаланишга асосланган дунёда биринчи караоке тизими. Бу тизим SAMSUNG Electronics фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. CD+OK тизимида CD+ROM компакт-дискларнинг энг ялпи технологиялари қўлланилади. Битта дискда энг оммавий бўлган 800 та русча ва 277 та инглизча қўшиқ бўлиб, уларга турли-туман рангларда товланувчи тасвирлар илова қилинган.

SAMSUNG Electronics компанияси ўрта Осиё ва Ўзбекистон бўйича дилерларини ташкиф этади. Ашхатидаги оқибатда бевосита етказиб берилади. Силсизга ўзбекистон. Ў. Алматы офиси, Алматы, Абай кўчаси, 31.



**«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**

шаҳардаги автобус ва таксомотор паркларда  
 ДОИМИЙ ИШЛАШ УЧУН  
 «ВС» ва «Д» тоифасидаги  
 ҲАЙДОВЧИЛАРНИ,  
 МОТОРЧИЛАР, АВТОБЎЁҚЧИЛАР ва  
 КОНДУКТОРЛАРНИ  
 ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ  
 Меҳнатта ишбай асосида катта ҳақ тўланади.  
 МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
**34-62-48, 34-83-51.**  
 Соат 8.00 дан 17.00 гача.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг жамоаси уюш-  
 манинг бош иқтисодчиси Тамара Раҳимовага онаси  
**Анна ХАДИКОВА**нинг  
 вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия из-  
 хор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси «Иж-  
 тимий-сиёсий фанлар» кафедраси мудири профессор  
 С. Отамуротовга рафиқаси  
**Хонзодадон ОТАМУРОВО**нинг  
 бевақ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъ-  
 зия билдиради.



МУАССИСЛАР:  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Олий Мажлиси Кенгаши ва  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
 Анвар ЖЎРАБОВ.

БЎЛИМЛАР:  
 Парламент 33-57-34;  
 Хатлар 33-07-48;  
 Мерос ва қадриятлар 36-29-89;  
 Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
 Иқтисодий 36-36-65;  
 Маънавият 36-35-60;  
 Туғил муҳарририят 33-10-28.  
 Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:  
 700000, ГСП,  
 Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
 Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев.  
 Навбатчи — В. Остонакулов.